

ЭСЛАТМА

Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61¹, 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилади, яъни:

61¹-моддаси Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш – **базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача жарима;**

193¹-моддаси Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш – **30 бараваригача жарима;**

193²-моддаси Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши – **30 бараваригача жарима.**

Коррупцияга оид жиноятлар – Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми “Г” банди, 168-моддаси 3-қисми “В” банди, 192⁹, 192¹⁰, 205, 209, 214, ва 243-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилади, яъни:

167-моддаси 2-қисми “Г” банди Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш – **5 йилгача озодликдан маҳрум этиш;**

168-моддаси 3-қисми “В” банди Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш – **5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш;**

192⁹-моддаси Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш – **3 йилгача озодликдан маҳрум этиш;**

192¹⁰-моддаси Нодавлат нотижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш – **1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;**

205-моддаси Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш – **3 йилгача озодликдан маҳрум этиш;**

209-моддаси Мансаб сохтакорлиги – **3 йилгача озодликдан маҳрум этиш;**

210-моддаси Пора олиш – **5 йилга озодликдан маҳрум этиш;**

211-моддаси Пора бериш – **5 йилга озодликдан маҳрум этиш;**

212-моддаси Пора олиш-беришда воситачилик қилиш – **5 йилга озодликдан маҳрум этиш;**

213-моддаси Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш – **2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади;**

214-моддаси Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши – **2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади;**

243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш – **5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш;**

301-модда. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги – **5 йилгача озодликдан маҳрум этиш.**

**OILA VA XOTIN-QIZLAR
DAVLAT QO'MITASI**



O'zbekiston Respublikasi Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi

QO'MITA TIZIMIDA KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH BO'YICHA TAVSIYALAR

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГАЛИҚДА КУРАШАМИЗ

**ИНСОНИЯТ, ЖУМЛАДАН, БИЗНИНГ БУЮК
АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАМ, ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН
БЕРИ ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯДАН
ХОЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИШ ОРЗУСИ
БИЛАН ЯШАБ КЕЛГАНЛАР**

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

**ПОРА БЕРУВЧИ ҲАМ, УНИ ОЛУВЧИ ҲАМ –
ЖАМИЯТНИНГ АШАДДИЙ ДУШМАНИДИР**

**НАФСИНГГА ҚУЛ БЎЛИБ – СОФ
ВИЖДОНИНГНИ КИР ҚИЛМА**

**ҚОНУННИ БУЗМА – ОИЛАНГ
КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛА**

**МУҲТОЖГА ЁРДАМ БЕРСАНГ ИНСОФЛИ,
ХАҚҚОНИЙ БЎЛ ВА АДОЛАТ ҚИЛ**

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССАНГНИ ҚЎШ

**ОДОБ-АҲЛОҚИ ЙЎҚ ИНСОН – ҚОНУННИ
ҲУРМАТ ҚИЛМАЙДИ**

**ҚОНУННИ ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ –
У СЕНИ УЛУҒЛАЙДИ**

**ЎЗ ИШИНГ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ БЕР, ОЧИҚЛИК
ВА ШАФФОФЛИКНИ ОДАТ ҚИЛ**

**МАНСАБ – СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ
УЧУН БЕРИЛМАГАН**

ҲУРМАТЛИ ҚЎМИТА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ

► Барчамизга маълумки, бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг бошчилигида эҳтиёжманд оилалар ва ёрдамга муҳтож хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда сиёсий фаоллигини янада ошириш, шунингдек, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига етарли шарт-шароитларни яратиш мақсадида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

► Мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тизимининг ҳар бир ходими қуйидаги вазифаларни **бажариши лозим:**

- амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилиш;

- ҳуқуқий билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни доимий ўзлаштириш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;

- меъёрий ҳужжатларда қайд этилган функционал вазифаларни тўлиқ ўрганиш ва уларни сифатли бажариш;

- эҳтиёжманд оилалар ва хотин-қизларга қўрсатилаётган ёрдамлар ҳамда уларга берилаётган имтиёзларни қўллашда мансаб ваколатини суиистеъмол қилмаслик, ноқонуний хатти-ҳаракатларга, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликка йўл қўймаслик;

- субсидия ёки кредитларни ҳаққоний ажратиш учун тавсияларни энг муҳтожлардан бошлаш;

- ҳар бир мурожаатни охиригача ҳал этиш чораларини кўриш;

- ўзига бириктирилган ходимлар ва ҳудудидаги аҳоли билан муносабатга киришганда муомала маданиятига қатъий амал қилиш, уларни тенг кўриб, бир ғоя ва бир жамоа сифатида бирлаштириш.

Ҳар қандай коррупциявий ёки манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланса, дарҳол Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси комплаенс назоратига (**Б.Саидқосимов - тел: 97.771-39-80, 71.202-10-83**) хабар бериш тавсия этилади.